

# НИШОШО

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

5-iyun,  
chorshanba  
# 24  
(235)

Iyun					
D	3	10	17	24	
S	4	11	18	25	
Ch	5	12	19	26	
P	6	13	20	27	
J	7	14	21	28	
Sh	1	8	15	22	29
Y	2	9	16	23	30

2002

Биз раҳбар кадрларни тарбиялаш, улар билан ишлашнинг самарали тизimini яратиш ҳақида кўп гапиримиз. Нега деганда, олдимизда турган вазифаларни бажаришда кадрларнинг билимдонлиги, ишчан ва ташаббускорлиги, ташкилотчилиги катта аҳамият касб этади, керак бўлса ҳал қилувчи ўрин тутуди.

(Президент Ислоҳ Каримовнинг халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан)



Она билан бола — гул билан лола

## Чоршанбадан Чоршанбагача

29 май

Тошкент ислом университетида «Динлараро тотувлик барқарорлигида диний манбаларнинг ўрни» мавзуда илмий-амалий семинар ўтказилди.

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Болалар ташкилотининг биринчи республика анжумани бўлиб ўтди.

30 май

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши навбатдаги мажлисини ўтказди.

Бельгиянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Валлон ҳудуди Экспорт агентлиги бош директори Ф. Сюинен раҳбарлигидаги делегация вакиллари пойтахт ҳокимлигида бўлди.

31 май

Навоий шаҳрида халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Сессия ишида ташкилий масала кўрилди. Ғ. Дилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди. Президент Ислоҳ Каримовнинг тавсиясига биноан Б. Рўзиев вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

### Моҳият

Ҳар кишининг руҳи илм бирла қувватланса, шафқатли ва бетаъма бўлур.

Сидқий ХОНДАЙЛИҚИЙ

А  
Н  
О  
Н  
С

### ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Нафосат байрамида иштирок этиш учун Тожикистон, Қирғизистон, Франция, Англия, Япония, Туркия каби ўнлаб давлатлар, мамлакатимизнинг барча вилоятларидан мўтабар меҳмонлар, бахши, оқин, созанда, мусикашунослар, тарихчи-фольклоршунослар ташриф буюрдилар.

2-САҲИФА

### МАҲАЛЛАНИНГ ЖАМОАТ НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШДАГИ МАҚОМИ

... Миллий кадрларимизга ибрат кўзи билан боқиб, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишда маҳалланинг ўрнига алоҳида эътибор қаратди. Дунёнинг ҳеч бир ривожланган давлатида маҳалла тизими йўқ. Кейинги йилларда мамлакатимизда маҳаллалар ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари сифатида шаклланди.

4-САҲИФА

ЭГРИ ДАРАХТ  
БАРИБИР ҚУВАЙДИ

6-САҲИФА

**HUQUQ**

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar:

O'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va

Toshkent viloyati

prokuraturalari,

«Donun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,

Dilshod Islomov

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Jahongir Sharofboyev

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

**Manzil:** Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34.

**Reklama va e'lonlar:** 133-82-34

**E-mail:** huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalari qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi A-3 formatda chop etildi.  
Korxonaning manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149  
Nusxasi — 24.414

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir:**

H. NISHONOV

**Navbatchi:** F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00  
Bosmaxonaga topshirildi 20.00

# ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

● «БОЙСУН БАХОРИ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ

ЮНЕСКОнинг тоғлар юрти Бойсуни ер юзидagi 19 та маънавий маскани каторида «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» сифатида тан олгани Ватанимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлди. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссиясининг Бойсун заминида халқаро очик фести-вал ташкил этиш ҳақидаги таклифи эса қалбларимизда ифтихор туйғуларини уйғотди.

Роппа-роса бир йил мобайнида нуфузли ташкилотлар, ҳокимлик ҳамда ташкилий кўмита олиб борган кенг кўламдаги тайёргарлик ишларининг ҳосиласидан баҳраманд этиш учун Бойсун ўз кучоғига минглаб меҳмонлар-ни қорлади. Шаҳарга тугашиб кетган «Алпомиш» мажмуаси байрам либосига бурканди.

Нафосат байрамида иштирок этиш учун Тожикистон, Қирғизис-тон, Франция, Англия, Япония, Туркия каби ўнлаб давлатлар, мамлакатимизнинг барча вилоят-ларидан мўтабар меҳмонлар, баҳши, оқин, созанда, мусиқашу-нослар, тарихчи-фольклоршунос-лар ташир буюрдилар.

Ўтовлар тикилган, байрамона безатилган ўйингоҳда фестивал-нинг тантанали очилиш мароси-ми бўлди. Вилоят ҳокими Т.Қоди-ров меҳмонларни Сурхон зами-нига — Бойсун тупроғига ташир-лари билан қутлади. Президент-мизнинг «Бойсун баҳори» халқ-ро фестивали иштирокчиларига йўлаган табригини Бош вази-рининг ўринбосари Х.Кароматов ўқиб ашиттирди. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Бари Лейн таш-килотчилар ва ҳомийларни қутлар-кан, халқаро ташкилот таклифини қўллаб-қувватлаганлари учун уларга самимий миннатдорчилик

изҳор этди.

Фестивал очик деб эълон қилинди. Давлатимиз мадх-ияси янгради. Сўнг байрам дастурида-ги чиқишлар бўлди. Ўзбекистонда хиз-мат кўрсатган ар-тистлар Маҳмуд На-мозов ва Сайёра Қозиева гўзал кўшиқлари билан анжуманга янада файз қўшишди.

Фестивалдан бир кун олдин халқ оғзаки ижоди ва бадий хунарманд-чилиги музейи очил-иб, шу мавзуда ил-мий анжуман ўт-казилганди.

Тўрт кун давоми-да Бойсунда бебаҳо



бойлигимиз — халқ оғзаки ижоди-нинг гўзал ва теран намуналари акс-садо бериб турди.

Қашқадарёдан ташир буюрган Шомурод баҳши ва Рустам Ҳакимов, Ўзбекистон халқ баҳши-си Шоберди Болтаев, Бобрайим баҳши, шунингдек Норбек, Қа-рандар, Абдуқодир баҳшилар

ҳамда энг ёш ишти-рокчи — хо-р а з м л и к Достонбек Норматов-лар фести-вал соврин-д о р л а р и бўлишди.

Фольк-лор ансам-б л л а р и ўртасидаги беллашувада маҳоратла-рини на-м о й и ш э т и ш г а н «Ганжина» (Тожики-стон), «Чо-дир» (Фар-ғона), «Чо-ва-ка» (Самар-қанд), «Гаш-так» (Жиз-

зах) ансамбллари вилоят ҳоким-лигининг совгалари билан тақ-дирланди. «Бойсун» ансамблига эса «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг соврини тақдим этилди. Хоразмнинг «Оразибон», Тошкент шаҳрининг «Гавҳар», Қаш-қадарёнинг «Чирокчи чирокла-ри», Бойсунын «Қуралай», Са-риосиёнинг «Анор» ҳамда музра-ботлик Файзиевлар оилавий ан-самбллари ҳам ташкилий кўмита-нинг махсус совгалари билан тақ-дирландилар.

Элимизнинг ардоқли санъат-кори Турғун Алиматов соврини учун анъанавий мусиқа ижрочи-лари баҳсида тошкентлик Шўҳрат Холхўжаев, япониялик Шимор Изова хоним ғойиблик қилдилар. Шўҳрат Зокиров фестивалнинг «Энг яхши созандаси» деб топил-ди.

Либос дизайнерлари танлови-да бош соврин соҳиби бўлган Сайёра Мўминова Италиянинг Флоренция шаҳрида тахсил олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Фестивалнинг якуний қисми ҳам тантанали кечди. Унда сўз олган хорижлик меҳмонлар, ЮНЕСКО вакиллари тадбирнинг аъло даражада ўтганини таъкид-лашди.

**А.ШОЙМАРДОНОВ,**  
журналист

● ЁЗГИ ТАЪТИЛ — ЙИЛГА ТАТИР

## БОЛАЛИКНИНГ МИТТИ ДУНЁСИ

— Ўтган йили лагерда мазза қилиб дам олгандим, — дейди еттинчи синф ўқувчиси Икромжон. — Бу йил яна бормоқчиман...

Боланинг дилидаги тилида. Агар зерикканда, ёқмаганида, ростини айтиб қўяверарди. У ерни бошқа оруз қилмасди.

— Яна қолай, деб хархаша қилган эди, — дейди Икромжоннинг онаси, Фарғона механика заводининг ишчиси Гулнора Исмоило-ва. — Қолаверарди-ю, меҳмон болаларга ҳам жой бўшашиш керак-да. Қорақалпоғистондан уч юзтача боланинг келиши қутилаётган эди.

Болакайнинг тасавурида ширин хотира бўлиб қолган Фарғона механика заводининг «Хумо» болалар оромгоҳи Фарғона тумани-нинг Оқариқ қишлоғида, ёз ойлари тўлиб-тошиб оқадиган «Мар-ғилонсой» қирғоғида жойлашган. Тасавур қилинг, қишлоққа ула-ниб кетган пасткамликда, сойнинг икки соҳилидаги қулоч етмас юз йиллик чинорлар, акациялар ва бошқа манзарали дарахтлар-дан иборат кўркам боғда шинам уйлар — ётоқхона, ошхона, томоша зали, икки соҳилини боғлаб турган кўприкчалар, гулзор, спорт майдончаси, ҳовуз, ҳайкалчалар... Шовқин-суронли шаҳар кўчаларидан кейин бу ернинг оstonасидан ўтган қишнинг дили бирданига таскин топгандай бўлади. Болаликнинг бу митти дунё-сида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди. Оромгоҳни болаларнинг ёзги таътили арафасида шай ҳолга келтирилишига корхона ди-ректори Р. Тожибоев шахсан бош-қош бўлди.

— Корхона таъмирлашга 2,6 миллион сўм маблағ ажратди, — дейди касаба уюшмаси кўмитасининг раиси Т.Нурматов. — Бу билан чекланмасдан 2 миллион сўмлик қўшимча идиш-товолқлар,

юмшоқ мебель, спорт анжомлари билан таъминлади. Булар ўз йўлига. Лекин ҳар қандай жойга файз киритадиган одамлар. Кўнгли очик, дилкаш, истараси иссиқ одамлар бўлмасди, ҳашамат-ли қаср ҳам кўзга совуқ кўринади. Шунинг учун тарбиячи-педагог-ларни танлаб-танлаб оламиз. Кўпчилиги ўтган йили ишлашган. Уларнинг топқирлиги, болалар кўнглини турли-туман ўйинлар, томошалар билан хушнуд эта олганлари туфайли ўтган йили оромгоҳимиз республикада энг яхшилардан деб эътироф этилди.

Дарҳақиқат, «Хумо» ўтган йили республика оромгоҳлари ора-сида биринчи ўринни олишга сазовор бўлганди.

— Бу йил ҳам болаларга дам олишининг ранг-баранг дастурла-рини ҳавола қиялпмиз, — дея давом этади Т.Нурматов. — Рақсми, мусиқами, спортми, рассомликми, кўнгилларига ёққан машғулот-ларни танлаб ҳордиқ чиқаришади. Дилбандларимиз «Истеъдо-ларни излаймиз», «Қувноқ стартлар», «Балли қизлар», футбол баҳсларида қобилиятларини, билимларини намоён этиш имкони-ятига эга бўлишади. Яна бир тарафи, бошқа мактабларда ўқийди-ган тенгдошлари билан дўстлашишади.

Бугун «Хумо» илк дам олувчиларни ўз бағрига олади. Улар билан бирга оромгоҳга файзу-тароват, беташвиш, қувноқ бола-ликнинг бахтиёр онлари кириб келади. «Хумо» каби вилоятимиз-нинг хушманзара, баҳаво гўшаларига жойлашган ўнлаб болалар оромгоҳлари ёзги таътилга қикан мактаб ўқувчиларини ҳар жиҳатдан шай бўлиб кутмоқда.

**А. АҲМАДАЛИЕВ,**  
жамоатчи муҳбир



Республика прокуратураси органлари «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида маҳаллий ҳокимликлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишда қонунларга риоя қилинишини мунтазам равишда ўрганиб бормоқдалар. Аниқланишича, айрим вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимлари қарор ва фармойишлар чиқаришда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун талабларига риоя қилишмаяпти. Қонун билан белгиланган ваколатлардан четга чиқиб, турли корхона, ташкилот ва ҳўжаликларнинг мулкий ҳуқуқларини бузиш, меҳнат қончилигига риоя этмаслик ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Маҳаллий ҳокимликларнинг қарор, фармойишларидан 2001 йилда 721 таси, 2002 йилнинг 1-чорагида эса 109 таси қонунга зидлиги туфайли прокурорларнинг протестлари билан бекор қилинган.

● НАЗОРАТ

# АМАЛ ҚИЛСАНГ ҚОНУНГА

Айрим ҳокимликлар масалани чуқур ўрганмасдан, фақат юзаки маълумотлар асосида қарор қабул қилмоқдалар.

Масалан, Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Фарғона вилояти ҳокимларининг ўринбосарлари раҳбарлигида пул-кредит сибсати бўйича вилоят қонунчилигининг 2001 йил июнь-июль ойларидаги қарорлари билан «Газтаъминот» шўъба корхоналари томонидан аҳолига табиий газ етказиб бериш жараёнида ҳосил бўлган қарзнинг бир қисми «ундиришининг илоҳий йўқ — нореал қарз» деб тоғилиб, ҳисобдан чиқариш бўйича хулоса берилган. Прокуратура органлари ўтказган текширишда ушбу комиссиялар томонидан жами 418 млн. сўм «нореал қарз» асоссиз ҳисобдан чиқарилганлиги аниқланди. Республика Бош прокуратураси протестига асосан вилоят комиссияларининг қоридаги қарорлари бекор қилиниб, 418 млн. сўм қарздорлардан тўлиқ ундириб олинди.

Айрим шаҳар ва туман ҳокимликлари тадбиркорлик субъектларини, деҳқон-фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини поймол қилганликларини аниқланди.

Хусусан, Пойарик тумани ҳокимлигида фуқароларнинг муножаатларини кўриб чиқишда сансалорликка йўл қўйилган. Барча ҳужжатлар мавжудлигига қарамасдан, «Тойиршайх-Н» фермер ҳўжалиги рўйхатдан ўтказилмаган. Шу билан бир қаторда ҳокимлик сохта ҳўжатлар асосида «Зафар Ҳасанов» фермер ҳўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор чиқарган.

Ромитон тумани ҳокими ўзи қарори билан 71 та фермер ҳўжалигини ерларни ижарага бериш тўғрисидаги шартномаларни бир томон-

лама бекор қилган. Ваҳоланки, Ер кодексининг 24-моддасига мувофиқ ер участкаларини ижарага олиш шартномасини мuddатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилиши лозим.

Фермерларнинг ҳуқуқи бузилаётган ҳолда туман ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлаётган Н. Ҳожиёв бир вақтнинг ўзида «Уба» фермер ҳўжалигига раҳбарлик қилиб келган. Прокуратура аралашуви билан ушбу қонунбузилишлар бартараф этилди.

Наманган вилояти Учқўрғон тумани ҳокимининг 2001 йил 6 декабрдаги қарори билан «Янгиобод» жамоа ҳўжалигининг 819 гектар ер майдони умумий йиғилиш қарорисиз, шу ҳўжалик бошқаруви раиси М.Аҳмадалиёвга қарашли «Аҳмадали ота Бўрибоев» фермер ҳўжалигига ўтказиб берилган. Айни пайтда ҳўжаликда узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган бошқа фуқароларнинг ер ажратиш бўйича аризалари умумий йиғилишда кўрилмасдан, рад этилган. Ҳоким қарори протест билан бекор қилинди. Бу ва бошқа ҳолатлар юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов юритилмоқда.

Янгиқўрғон тумани ҳокими 2001 йил 27 ноябрдаги қарори билан тумандаги «Азизбек», «Ойбек», «Сабзавот», «Бахт», «Пахлавон» хусусий корхоналарини ушбу ҳўжалик юритувчи субъектларнинг расмий муножаати ва умумий йиғилиш қарорларисиз давлат рўйхатидан чиқарган.

Жиззах, Мирзобод, Сирдарё, Қашима, Шовот, Қўнғирот туманлари ва Ширин шаҳар ҳокимлари фаолиятида ҳам тадбиркорлик ҳамда фермер ҳўжаликлари фао-

лияти билан боғлиқ масалалар бўйича қонунга хилоф ҳужжатлар қабул қилинишига йўл қўйилган. Қонуний қарорлар прокурорларнинг протестлари билан бекор қилиниб, адолат қарор топтирилди.

Ҳокимлар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мулкий дахлсизлигини кафолатловчи қонунлар талабини бузиб, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашётган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Жалолжудуқ тумани ҳокими 2001 йил 16 майдаги қарори билан «Қатортол» ширкат ҳўжалигига ўзининг ёзги кино клуби биносини «Қатортол-2000» кичик корхонасига фойдаланиш учун бериш вазифасини юклаган.

Янгиер шаҳар ҳокими 2002 йил 23 январдаги қарори билан «Ховосдон» акциядорлик жамиятига маҳаллий футбол жамоаси ҳисобига 5 млн. сўм ўтказиб беришни топширган.

Термиз тумани ҳокимининг 2002 йил 7 мартдаги фармойиши билан 5 та ширкат, 3 та фермер ҳўжалиги ва 2 та хусусий фирмаларга байрам тадбирлари учун жами 32 бош чорва моллари ажратиш ҳақида топшириқ берилган.

Фарғона шаҳри, Қизилтепа, Қонгон туманлари ҳокимлари чиқарган қарор ва фармойишларда ҳам шундай қонунбузилишларга йўл қўйилган.

Маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалдаги меҳнат қончилиги талабларига зид равишда ҳокимият ижроия маҳкамаси тузилмаси таркибиде бўлмаган корхона, ташкилот, ҳўжалик ва акциядорлик жамиятлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлш бўйича қарорлар қабул қилиш ҳолатлари ҳам кўп учрамоқда.

Зафаробод тумани ҳокимининг 2001 йил 2 октябрдаги фармойиши билан пахта йиғим-теримида суст-

кашликка йўл қўйганликлари учун бир қатор корхона-ташкилотлар раҳбарларига «хайфсан» эълон қилинган.

Шунингдек, меҳнат қончилиги ва интизомий жазо бериш билан боғлиқ қонунбузилишларга Боғишамол, Нуробод, Ҳайчи, Чортоқ, Муборак, Пахтаобод, Балиқчи, Булқош ҳамда Тошкент тумани ҳокимлари чиқарган ҳужжатларда ҳам йўл қўйилган. Юқоридаги ноқонуний қарор ва фармойишлар ҳам прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси бўйича халқ депутатлари кенгашларига тегишли ҳокимларнинг ноқонуний қарорлари ва фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқи берилган бўлса-да, ўтган йили ҳокимликларнинг қонунга хилоф равишда чиқарилган қарор ва фармойишларидан атиги 3 тасини бекор қилган, холос.

Биз ўз олдимишга адолатли, ҳуқуқий демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳуқуқий давлатда эса қонунларга амал қилиш тақозо этилади, эро қонун давлатнинг пойдеворидир. Ҳокимлар чиқарадиган қарорлар, берадиган фармойишлар ўз туманларида амалга оширилажак ишларга пойдевор бўлиши лозим. «Амал қилсанг қонунга, захмат етмас жонингга», дейди доно халқимиз. «Етти ўлчаб бир кесмасдан», яъни муаммони чуқур ўрганмасдан ҳамда амалдаги қонунларга риоя этмасдан чиқарилган қарорлар, берилган фармойишлар эса «қум устига қурилган қўрғондек» омонат бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

**А.ҚУРОНБОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси катта прокурори.  
Йўлдош ПАРДА,  
«Хуқуқ» мухбири

● ТАДБИР

## ҚОН ТАРТИБИДА — ЖАЗОНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Олий суд, ИИБ, Тошкент Давлат юридик институти ташаббуси билан Термиз шаҳрида «Жиноят жазоларни либераллаштириш: муаммолар ва истиқболлар» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжумани Сурхондарё вилояти прокурори Б.Нурмухамедов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори Э.Абзалов «Жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнида прокуратура органларининг ўрни ва устувор вазифалари» ҳақида маъруза қилди.

Конференцияда ТДЮИ доцентлари К.Абдурасулова, Е. Никифорова, Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари А.Тўхташев, Олий суд судьяси Н.Янгибоев ва бошқалар ҳам қон тартибидеги масала бўйича фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Анжуманда Сурхондарё вилоят прокуратураси, прокуратура ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси, Ҳарбий прокуратура ходимлари, вилоят ИИБ терговчилари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди оззолари ҳамда адвокатлар иштирок этишди.

Қ.ЖўраНАЗАРОВ,  
«Хуқуқ» мухбири

● КЕНГАШ

## БАНКЛАРДАГИ ЎЗБОШИМЧАЛИКЛАР

**НАМАНГАН** вилояти прокуратурасида бўлиб ўтган идоралараро кенгаш мажлисида «Замин» давлат ва «Турон» акционерлик тижорат банкларининг вилоят филиаллари томонидан ўрта ва кичик бизнес субъектлари, давлат корхоналари, деҳқон-фермер ҳўжаликларига ҳамда фуқароларга кредитлар ажратиш тартиби ва бу борадаги Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари қандай бажарилаётгани муҳокама этилди.

Ўтказилган текширишларда мазкур банклар томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит маблағлари бериш, ундан мақсадли фойдаланиш, мониторинг ўтказиш ва кредитларни ўз вақтида қайтаришда кўпол қонунбузилишлар мавжудлиги аниқланди. Айниқса, банк раҳбарлари ҳамда мутасадди ходимлари томонидан ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларига йўл қўйилаётгани, гоят ачинарлидир. Олинган кредитларнинг тўлов муддатларини ўтказиб юбориш, сохта ҳисобот баланслари тайёрлаш, ҳужжатларни сохталаштириш каби ҳолатлар шулар жумласидандур.

Мажлис сўнигда мазкур масалада қонун устуворлигини таъминлаш, қонунбузилишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида идоралараро кенгаш томонидан ишлаб чиқилган тавсия ижро учун тақдим қилинди.

**А.МАДАТОВ,**  
«Хуқуқ» мухбири

● ОБУНА-2002

## ЭХТИЁЖ САМАРАСИ

**ЮРТИМИЗДА** барпо этилаётган ҳуқуқий-демократик жамиятда ҳаёт тарзининг ўзи ҳар бир фуқаро қонунлардан воқиф бўлиши, ҳуқуқ ва бурчларини мукаммал билиши ва қонун доирасида тасарруф қилишини заруратга айлантирмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий билимларга қанқоқлиги ҳуқуқий йўналишдаги нашрларга қизиқиши ортаётганида ҳам кўзга ташланадур. Жумладан, «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетаси ўқувчиларининг сафи вилоятимизда тобора кенгаймоқда.

Вақтли матбуот нашрларининг сони кўпайиб бораётган бир шароитда улар орасидан ўзига маъқулни таллаб олишларида журнал ва газетанинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишнинг роли катта. Вилоят, шаҳар ва туман прокуратураларининг ходимлари бевосита мулоқотларда, учрашулар ва йиғилишларда «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетасининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги фаолиятини тарғиб қилишмоқда. Журнал ва газе-

танинг бир неча сонларини ўқиган муштарийларнинг ўзлари ҳуқуқий билимларини бойитиш истагида уларга биринчи навбатдаги обуна бўлишяпти.

Фарғона вилоят прокуратураси сўнгги йилларда кенг миқёсда фуқароларнинг ҳуқуқий фойдаланишини ошириш, даъвогарлик ҳиссини шакллантириш борасида олиб бораётган ишлар ҳам ушбу нашрларга эҳтиёжнинг ортишига ўз таъсирини ўтказяпти. Ана шулар туфайли иккинчи ярим йилликка обуна бўлган журналхонлар сони 853 нафарга, газетхонлар сони эса 1037 нафарга кўпайди. Айниқса Қўқон, Марғилон, Фарғона, Қувасой шаҳарлари, Бувайда, Қува, Риштон, Фарғона, Ёзёвон, Олтиариқ туманларида иккинчи ярим йилликка обуна фаол ўтмоқда.

**М.ФОЗИЛОВ,**  
Фарғона вилояти прокурорининг катта ёрдამчиси

# МАҲАЛЛАНИНГ ЖАМОАТ НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШДАГИ МАҚОМИ

## БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА

Халқимиз ҳадемай ўз мустақиллигининг 11 йиллигини нишонлайди. Шу давр мобайнида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий соҳаларда катта ишлар амалга оширилди. Қишлоқ ва шаҳарларимиз янада чиroy очди. Халқимиз озод ва эркин яшашнинг нашидасини сурмоқда. Биргина Тошкент шаҳри ҳақида гапирадиган бўлсак, пойтахтимиз мустақиллик шарофати билан янада кўркамлашди. Юртимизга ташриф буюрган хорижий меҳмонлар ҳам буни эътироф этмоқда. Ютуқларимиз боиси тинчлик ва осойишталик эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали халқро майдондаги воқеаларни кўриб, тинчликнинг ниҳоятда мукдадас эканлигини қалбдан ҳис қилмоқдамиз. Осойишталикни четдан биров келиб таъминлаб бермайди.

Туманимизда 4 ой давомида содир этилган жиноятларнинг аксарияти ўз вақтида очилди. Бунда маҳалла фаолларининг ҳам ўрни бор. Жиноятлар таҳлил этилганда, уларнинг 3 таси муқаддам судланган шахслар томонидан, 11 таси эса ишламайдиган фуқаролар томонидан содир этилгани аниқланди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, аксарият жиноятлар тунда содир қилинмоқда. Ўғирликларнинг олдини олиш мақсадида кўп қаватли уйларнинг кириш эшикларига электрон аппаратлар ўрнатилди. Тўғри навбатчилик ташкил этилди.

«Ўз уйингни ўзинг асра» даъватидан сўнг туманимизнинг «Феруза» мавзеси Қодирова кўчасидаги уйларда биронта ҳам ўғирлик содир қилинмаган. Бу ютуқ замирида маҳалла фаолларининг меҳнати ётибди, десак хато қилмаймиз. Лекин бу билан ҳамма маҳаллаларда иш аъло даражада деб бўлмайди. Яқинда туманимизнинг Х.Абдуллаев кўчасидаги 148-уйда яшовчи С.Мусабоевнинг ёнидан 0.13 грамм героин гиёҳванд моддаси топилди. Ушбу жиноятнинг сабаблари ўрганилганида, профилактика инспектори ва маҳалла фаоллари ўз вазифасини кўнгилдагидек бажармаётгани аниқланди. «Феруза» мавзесида бир «дом»нинг ўзидан 7 та электр хисоблагич ўғирланган. Кўрилган тезкор тадбир натижасида 1969 йилда туғилган Д.Ким ушланиб, жавобгарликка тортилди. Г.Агафонов билан В.Гарячев 92 минг сўмлик телефон симини Қодирова кўчасидаги 18-уйнинг ертўласидан ўғирлаб кетаётганида ушланди.

Қайси маҳаллада профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилса, ўша жойда жиноятчиликнинг илдизига болта урилади. Маҳаллақўм ўзи алоҳида, профилактика инспектори алоҳида ишласа бирон нарсага эришиш қийин. Биз 2002 йилнинг 4 ойи давомида маҳаллаларда профилактика инспекторларининг иш фаолиятини ўрганиб чиқдик. Битта профилактика инспектори ойига 8 та маъмурий баённома тузган. Бу қаноятларли ҳол эмас. Чунки, инспектор халқнинг ичда юриши керак. Маҳаллақўм билан ҳамкорлик жиноятчиликнинг олдини олиши лозим. Прокуратура ташаббуси билан кейинги пайтларда ҳар бир маҳаллада нафақага чиққан фуқаролардан уй кўриқчилари тайинланмоқда. Албатта, бу ишларни ҳеч ким текинга бажармайди. Бизда ана шундай фуқаролар уй ҳақларининг 50 фоизини тўлайди. Бундай фуқароларнинг рўйхатини туман ҳокимлигига тавсия қилганмиз. Бу ҳаракатларимиз туфайли қотиллик, босқинчилик, ўғирлик жиноятлари сезиларли равишда камайди.

Мен туман прокурори сифатида худудимиздаги барча маҳалла аҳли билан юзма-юз мулоқотда бўлиш режасини йил бошидан ишлаб чиққанман. Тўғриси, кўпгина маҳаллақўм раисларининг ҳуқуқий билимларидан қониқиб ҳосил қилиш қийин. Имкон даражасида уларга ҳуқуқий ёрдам беришга ҳаракат қилаяймиз. Яқинда бир маҳаллада юзма-юз мулоқот бўлди. Кўпгина фуқаролар сўзга чиқиб, «подъездимиздаги лампочкаларни ўғирлаб кетишяпти» дея шикоят қилиб қолди. Ҳақли савол туғилади. Уларнинг бу муаммосини прокурор ёки ҳоким ҳал қилиб бериши керакми? Бундан катта муаммолар йўқми? Бу каби шикоятлар маҳаллалардаги ҳуқуқий тарғибот ишлари кўнгилдагидай эмаслигидан дарак беради. Маҳаллаларда ўтказилажак учрашувларга туман раҳбарларини ҳам таклиф қиламан. Муаммоларни жойида ҳал қиламиз. Энг асосийси, туман ҳокими А.Мажидов ҳар бир ташаббусимизни қўллаб-қувватламоқда. Мақсадимиз битта: туманимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқароларимизнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Бахтиёр ҲАҚНАЗАРОВ,  
Мирзо Улугбек тумани прокурори

Дунёда ҳар жиҳатдан етуқ мамлакатлар бор. Улар сирасига АҚШ, Япония ва Германия каби мамлакатларни киритиш мумкин. Энди ривожланиш йўлига ўтган мамлакатлар улардан иқтисод, сиёсат ва маънавият, илм-фан соҳаларидаги ютуқларни ўрганади. Бирок ҳар бир халқнинг шундай миллий аъналарини бўладики, ундан ақл билан фойдаланилса ана шу аънада давлатнинг ҳар томонлама ривожланишига замин бўла олади.

Бу сўзларни айтишимдан мақсад, юртбошимиз Мустақилликнинг илк йилларида-ноқ миллий кадриятларимизга ибрат кўзи билан боқиб, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишда маҳалланинг ўрнига алоҳида эътибор қаратиб, Дунёнинг ҳеч бир ривожланган давлатида маҳалла тизими йўқ. Кейинги йилларда мамлакатимизда маҳаллалар ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари сифатида шаклланди. Ўз-ўзидан уларнинг зиммасига масъулият вазифалар босқичма-босқич ўтмоқда. Оддий тил билан айтадиган бўлсак, масалан, илгари кўпгина оилавий жанжаллар ички ишлар бўлими ёки туман судда тўғридан-тўғри кўриларди. Эндилкида улар энг аввало маҳаллалар кенгашларида кўрилмақда. Иш ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотига ўтган тақдирда ҳам маҳалла кенгашининг фикри ино-

вожланган давлатида маҳалла тизими йўқ. Кейинги йилларда мамлакатимизда маҳаллалар ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари сифатида шаклланди. Ўз-ўзидан уларнинг зиммасига масъулият вазифалар босқичма-босқич ўтмоқда. Оддий тил билан айтадиган бўлсак, масалан, илгари кўпгина оилавий жанжаллар ички ишлар бўлими ёки туман судда тўғридан-тўғри кўриларди. Эндилкида улар энг аввало маҳаллалар кенгашларида кўрилмақда. Иш ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотига ўтган тақдирда ҳам маҳалла кенгашининг фикри ино-

вожланган давлатида маҳалла тизими йўқ. Кейинги йилларда мамлакатимизда маҳаллалар ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари сифатида шаклланди. Ўз-ўзидан уларнинг зиммасига масъулият вазифалар босқичма-босқич ўтмоқда. Оддий тил билан айтадиган бўлсак, масалан, илгари кўпгина оилавий жанжаллар ички ишлар бўлими ёки туман судда тўғридан-тўғри кўриларди. Эндилкида улар энг аввало маҳаллалар кенгашларида кўрилмақда. Иш ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотига ўтган тақдирда ҳам маҳалла кенгашининг фикри ино-

## ҲАМКОРЛИК АСОСИДА НАЗОРАТ

Йигирма уч йилдан буён ички ишлар тизимида хизмат қилиб келаман. Шу давр ичиде кўплаб воқеаларга гувоҳ бўлганман. Собиқ Иттифок даврида ҳар куни юқоридан ўнлаб топшириқлар олган пайтларимиз бўлган. Ҳамма топшириқлар давлат манфаати нуқтаи-назаридан бўлган. Мустақилликдан сўнг халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги учун хизмат қила бошладик. Ҳаётдаги тажрибамдан ишон ҳосил қилдимки, ҳеч бир жойда жамоатчиликнинг кучисиз осойишталикни сақлаб бўлмас экан.

Бугунги кунда туманимизда 132 нафар профилактика инспекторлари фаолият кўрсатаёпти. Улар билан маҳалла посбонлари ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Мақсадимиз маҳаллаларнинг тинчлиги, осойишталигини сақлаш. Бугунги ҳаёт ҳар биримиздан янгича фикрлашни ва тафаккур қилишни талаб этмоқда. Олий Мажлисининг 8-сессиясида қабул қилинган Конституциявий қонун ҳам бунинг исботидир. Бу қонунни «қонунларнинг қонуни», десак хато қилмаймиз. Сабаби, унда «Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади», — дейилган.

Ушбу қонуннинг туб моҳияти «Кучли давлатдан кучли жамият сари», деган ғояга йўғрилган. Собиқ Иттифок даврида милиция билан жамоат ташкилотлари икки кутубдаги ташкилот эди. Мустақилликдан сўнггина вазият тубдан ўзгарди. Эндилкида бизнинг тумандаги ҳар бир профилактика инспектори маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда ишламоқда.

Тўғриси айтиш керак. Туманимиздаги айрим маҳалла оқсоқоллари маҳалланинг ўрни деганда, бу-

## МАҲАЛЛА — МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ БЎЛАДИ...МИ?

батта олинаёпти.

Олий Мажлисининг 8-сессиясида «Референдум ақуларини ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонун қабул қилинди. Бугун бу қонуннинг маъно ва моҳиятини юртимиздаги ҳар бир фуқаро билиши керак ва шарт.

Қонунда демократик ислохотларнинг принциплари белгилаб қўйилди. Қонуннинг сўнги бандида «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустақамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, мудоффа, хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш» демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришнинг асосий принциплари сифатида эътироф этилган.

Туманимизда 272 минг аҳоли истиқомат қилади. Баъзан маҳаллаларга борганимизда фуқаролар «Давлатимизнинг кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш» сиёсати нима деб сўраб қолишади. Бу саволга маҳалланинг, ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги роли ошиб бораётганлигига эътиборини

қаратиб, мисоллар асосида тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Тўғриси, халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишимиз керак. Кейинги пайтларда кучли жамоатчилик назоратига эҳтиёж сезилмоқда. Маҳаллаларда яраштирув комиссиясининг ташкил қилиниши ҳам бунга мисол бўла олади. «Дом»ларнинг муаммоларини ҳал қилиш мақсадида ЖЭКлар ўрнида «уй-жой ширкатлари» ташкил қилинди. Уларнинг иш фаолиятини назорат қилиш ҳам бевосита маҳалла кенгашлари тасарруфига ўтмоқда. Бу ҳам жамоатчилик назоратида маҳаллаларнинг ўрни ортаётганидан нишон.

Халқимиз катта ва улуг йўлга чиқди. Биз тенглар ичиде тенгимиз. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳеч кимдан кам эмасмиз. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий очик демократик давлат барпо этиш учун бел боғлаган эканмиз, қонун устуворлигини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятлари ўртасидаги мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақикий мустақиллигини таъминлаш учун курашмоғимиз керак.

Биз ана шундагина ўзимиз орзу қилган жамиятда яшаймиз.

Шухрат ЮСУПОВ,  
Мирзо Улугбек тумани  
Оқсоқоллар кенгаши ва маҳалла  
жамғармаси раиси

тунлай бошқача нарсаларни тушунишади. Масалан, улардан бири икки қўшни жанжаллашиб қолиб маҳаллақўмга мурожаат қилса, уларнинг аризасига «виза» қўйиб профилактика инспекторига чиқарибди.

Бугун бу борадаги бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтишни истардим. Тўғриси, кўпгина маҳалла оқсоқолларининг ҳуқуқий саводхонлиги бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бу муаммони ҳал қилиш учун ҳокимиятимизда ҳар душанба кун савол-жавоблар кунини ўтказаямиз. Айрим маҳаллақўм раислари Жиноят кодекси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни ажрата олмайдди. Кўришиб турибдики, ҳуқуқий саводхонлики оширмай туриб бирон нарсага эришиш қийин.

Президентимиз Ислам Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» номи асарига шундай дейди: «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгилувчи камиде учта мезон бор. Булар — халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши ва оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир».

Юртбошимиз айтган ана шу сўзлар фуқароларнинг қалбига етишиб бориши учун зиёлилар халқ ичига киришлари керак. Жамоат назорати механизмини шакллантириш учун энг аввало фуқаролар ўз вазифалари ва бурчларини билишлари лозим.

Одилжон ОПИРОВ,  
Мирзо Улугбек тумани  
ИИБ бошлигининг ўринбосари



● ҚОНУН ВА ИЖРО

# ФУҚАРО МУРОЖААТИГА МАСЪУЛИЯТ

Конституциямизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат билан биргаликда давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган.

Суд-ҳуқуқ ва қонунчиликдаги ислохотлар тудайли фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ортомқда. Бу борада 1994 йил 6 майдаги «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки қонун фуқароларнинг давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга муурожаат қилиш ҳуқуқини ифодалайди.

Прокуратура органлари муурожаатларни текширишда ҳуқуқдаги қонун талаби асосида иш юритади.

Қонун талабларига кўра, фуқароларнинг аризаларини

барча мутасадди идоралар, мансабдор шахслар ҳар томонлама ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқишлари шарт.

Текширилаётган аризалар асосида қонуний қарорлар қабул қилиб, ижросини таъминлашлари, текшириш натижалари ҳақида, агар аризада баён этилган талаблар асосида сабаблари кўрсатилган ҳолда муаллифга маълум қилиниши лозим.

Қонун бўйича фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятлари тушган кундан бошлаб бир ой мўддат ичида кўриб чиқилади. Қўшимча ўрганишни талаб қиладиган таклиф, ариза ва шикоятлар бундан мустасно.

Муурожаатлар билан ишлаш прокуратура ходимлари фаоли-

ятининг муҳим таркибий қисмига айланган. Таклиф, ариза ва шикоятлар жойларда, мутахассис ва муаллифлар иштирокида текширилади. Айниқса, танқид учун таъкиб қилинганлик ҳақидаги шикоят ва хабарлар чуқур ҳамда атрафлича ўрганилади.

2002 йилнинг 3 оyi давомида Андижон вилоят прокуратура органларига 900 га яқин фуқаро турли мазмундаги таклиф, ариза ва шикоят билан муурожаат қилди.

Таклиф, ариза ва шикоятларнинг кўпчилик қисмида мансабдор шахсларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажармай, қонун талабларига зид ҳаракатлар қиладиганлиги ва меҳнатга доир қонун ижросида камчи-

ликларга йўл қўйилаётганлиги баён қилинган.

Масалан, Хўжабод туманидан «Сувоқава» корхонасининг 38 нафар ишчиси 2 миллион сўм иш ҳақи тўланмасдан келинаётганлиги ҳақида муурожаат қилган. Текширишда аризада кўрсатилган важлар тўлиқ исботланиб, ишчи-ходимларнинг иш ҳақлари ундирилди. Корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан туман суди томонидан тегишли жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Бўз тумани прокуратураси томонидан ариза ва шикоятлар асосида фуқароларга 5 миллион сўмдан зиёд иш ҳақлари ундириб берилди ва «Иқбол» фермер хўжалиги берилмасдан келинган 41 га ер майдони фермерга қайтарилди.

Шунингдек, туман почта-алоқа акциядорлик жамиятида «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси

юзасидан ўтказилган текширишда алоқа бўлимининг мансабдор шахслари нафақа учун ажратилган 770 минг сўм пулларни ўзлаштириб, талон-торож қилганлиги ҳолати аниқланиб, 3 нафар мансабдор шахслар суднинг ҳукми билан жавобгарликка тортилди.

Пахтабод тумани молия бўлимида фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлашнинг аҳволи қониқарсиз ташкил этилганлиги сабабли, ариза ва шикоятларга лоқайдлик билан ёндошилаётганлиги маълум бўлди.

Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш мансабдор шахсларнинг нафақат хизмат бурчи, балки уларнинг Конституциявий мажбурияти эканини унутмаслигимиз лозим.

**Н. ҚОСИМОВ,**  
Андижон вилояти  
прокурорининг ёрдамчиси.

● МУАММОНИНГ ЕЧИМИ БОР

# ИШ ҲАҚИ... ҚАРЗДОРЛИК

## УНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА КАСАБА УОШМАЛАРИНИНГ РОЛИ

Президентимиз Ислам Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асариде «Пировард мақсадимиз иқтисодий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиебатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир» дея таъкидлаган эди. Бугунги кунда мамлакатимиз давлат қурилишининг ана шу бош йўналишини амалга оширишда улкан муваффақиятларга эришди, деб дадил айтишимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари тажрибаси, давлатчилигимизнинг ўз хусусиятларини ва халқимизнинг амалга оширишда ечим топиллиши зарур бўлган баъзи муаммолар ҳам борки, уларни бартараф этмай туриб аниқ мақсадга эришиш қийин. Шундай муаммолардан бири иш ҳақидан қарздорлик масаласидир. Зеро, иқтисодий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда иш ҳақидан қарздорлик масаласини ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 19 мартда «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилиб, ниҳоятда оқилона йўл тутди. Гап шундаки, биргина Фаргона вилоятида иш ҳақидан йирик қарздорлик қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тизимидаги 94 та ташкилотда 1.444.543.000 сўмини, «Пахта-ноатсотиш» тизимидаги 9 та ташкилотда 96.379.000 сўмини ташкил этади. Табиийки, бундай шароитда иш ҳақини ўз вақтида

ололмаган ишчи-хизматчиларнинг ташаббускорликларига, фаолиликларига пугур етмай иложи йўқ.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги қарори ўз вақтида чиқди, — дейди Касаба уюшмалари Фаргона вилоят кенгаши раиси А.Юнусов. — Тўғри, биргина бизнинг ташаббусимиз билан 2002 йил 1 январь кунигача иш ҳақидан қарздорликнинг 848 млн. сўми ундириб берилди. 2002 йил 1 мартгача эса бевосита таҳлиллар ва муҳокамадан сўнг 15 та корхона ва хўжаликларга нисбатан даъво аризалари берилиб, шу кунларда фуқаролик судларида кўриб чиқилмоқда. Бирок фаолиятимиз кўламини янада кенгайтирмоғимиз лозим бўлади. Шу кунгача баъзи корхона, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари иш ҳақини ўз вақтида тўлолмасликларига асосий баҳона қилиб юқори турувчи органлар — вазирликларни рўқча қилардилар. Эндликда бундай баҳоналар учун ўрин қолмади. Юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, вилоят кенгаши иш ҳақидан қарздорликни тутатиш бўйича касаба уюшмаларининг ҳаракат дастурини ишлаб чиқди ҳамда мазкур дастур бўйича корхона ва ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшмалари зиммасига катта масъулият юкланди. Чунки, иш ҳақидан қарздорлик бошланиши биланқо касаба уюшмаси раиси корхона маъмурияти билан учрашувда юзага келган аҳволни таҳлил этиши, маъмуриятга ушбу масала бўйича тақдимнома киритиши

шартлиги белгиланди. Қолаверса, кўрилаётган чора-тадбирларнинг нечоғлик амалийлигини назорат қилиш иш ҳақи бўйича жамоат комиссияси орқали амалга ошириладиган бўлди. Шунингдек, маъмурият белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаса ёки натижасизлик сабаб иш ҳақидан қарздорлик ошииб кетадиган бўлса, ушбу ҳолат касаба уюшмаси мажлисида кўриб чиқилади ва маъмуриятга расмий музокара ўтказиш таклифи киритилади. Расмий музокарада албатта аниқ талаблар кўйилади. Сўзсиз, икки ўртада расмий музокара амалдаги Меҳнат кодексининг 3, 154, 161-моддаларига асосан ўтказилади. Шундан кейин қабул қилинган қарорнинг бажарилиши алоҳида назоратга олинади.

Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, корхона, ташкилот, хўжаликлардаги иш ҳақидан қарздорлик муаммосини бартараф этишга биринчи бўлиб бошланғич касаба уюшмаси даъват этилади. Жойлардаги бошланғич жамоат ташкилотлари механизмланининг ҳаракатта келтирилиши ўз-ўзидан ана шу корхона, ташкилот ёки хўжалик маъмурияти устидан жамоатчилик назоратининг ҳам ўрнатилиши демокдир. Ҳозирда ҳар бир касаба уюшмаси кўмитасидан иш ҳақидан қарздорлик музокаралар йўли билан бартараф этилмаган ҳолатларда, тўғридан-тўғри ҳақидан қарздорлик музокаралар йўли билан бартараф этилмоқда. 2001 йили 126 та бошланғич касаба уюшмалари ўз йиғилишларида ва меҳнат

жамоаларининг умумий мажлисларида иш ҳақидан қарздорлик масалаларини кўриб чиқиб, иш ҳақидан умумий қарздорлиги 847898,6 минг сўм бўлган 42 та ташкилот, хўжалик ва корхоналарнинг ишчи-хизматчилари даъво аризалари билан судларга муурожаат этдилар ҳамда иш ҳақлари ундирилди. Шу кунларда 15 та корхона, ташкилот ва хўжаликлар маъмуриятларига нисбатан даъво аризалари судларга берилган.

2002 йил 5 февраль куни халқ депутатлари Фаргона вилоят Кенгаши II чақирқ IX сессиясида вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Жамият, нодавлат ташкилотлар ва ўзини-ўзи бошқариш идоралари орқали жамоатчилик назоратини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ҳамда уларда ўз ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан даъвогарлик ҳиссини шакллантиришга оид» дастур тасдиқланганди. Шундан сўнг иш ҳақидан қарздорлик атрафлича таҳлил қилиниб, корхона, ташкилот ва хўжаликлар маъмуриятларига ўтган йили 272 та эътирознома юборилиб, енгил ва мебель санвати, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тизимида иш ҳақидан қарздорлик 239 миллион сўмга, ёқилги, энергетика, геология ва кимё санвати тизимида 313.535.700 сўмга камайтирилган бўлса-да, юқорида таъкидланганидек, халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари — агросаноат тизимида иш ҳақидан қарздорлик йўқолмай

қолаверди.

Хўш, бунинг асосий сабаби нимада? Биргина агросаноат тизимини олиб қаралса, бу аввало, жойлардаги бевосита ишлаб чиқариш билан банд бўлган куйи агросаноат тизимларида раҳбарлик қиладиган шахсларнинг ҳуқуқий билимлари даражаси пастлиги билан изоҳланади. Қайта ишловчи корхоналар билан тузилаётган шартномаларда ақсар ҳолларда қайта ишловчиларнинг манфаати кўпроқ акс эттирилиб, оқибатда қишлоқ хўжалик корхоналарининг ёнилги, ўғитдан қарздорлигининг кенши ошиб бориши, бу ўз навбатида хўжаликлар ва ёнилги, ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўз ишчи-хизматчилари иш ҳақидан қарздорлиги юзага келишига сабаб бўлаётди. Шартномаларда маҳсулот учун олдиндан аванс бериш, сотилган маҳсулотларга ҳақ тўланиши тартиб-қоидаларининг аниқ-тиниқ акс эттирилмаслиги ҳам иш ҳақидан қарздорликнинг асосий сабабларидан биридир.

Бошқача айтганда, Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори иш ҳақидан қарздорликке долзарб муаммонинг ечимини топиш учун катта туртки берди. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, «Иқтисодий ислохотлар бозор муносабатларининг реал механизмланини аста-секин, қадам-бақадан шакллантириб бориши зарур. Бу механизмлар дарров ишга тушиб кета олмайди, улар аста-секин соланади, йўлга қўйилади».

**Қ. АҲМАДАЛИЕВ,**  
журналист

## ● ГИЁХВАНДЛИК — ИЛЛАТ

Республика Божхона кўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармасига қарашли «Сариосиё» божхона пости бошлиғи, божхона хизмати катта лейтенанти Абдумалик Бозоров ўз йигитлари билан жуда муҳим оператив маълумотни қўлга киритишган кундан бошлаб иш янада қизғин тус олди. Маълумотга кўра, 2001 йил сентябрь ойининг учинчи ёки тўртинчи кунларида Узун тумани орқали республикаимиз ҳудудига катта миқдорда гиёхванд моддаси олиб кирилиши кўзда тутилаётган эди. Тожикистон Республикаси ҳудудидида бу ишни тирикчилик воситасига айлантириб олган кимсалар «операция»нинг нозик жойларини яхши ўрганишган ва шунинг учун постни четлаб ўтиб кетишнинг янги йўлини «топгандай» эдилар. Ўта махфий оператив маълумот божхоначилардан ҳам бу гал бошқача йўл тутишни талаб этаётганди.



# ЭГРИ ДАРАХТ БАРИББИР ҚУЛАЙДИ

...Бу кирдикорнинг бош ижрочиси ва ташкилотчиси, не ажабким, эндигина йигирма ёшни қоралаган йигитча бўлди. У Тожикистон Республикасининг Ҳисор туманида яшовчи Ю. Олтибоев эди. Юрсинали ўрта мактабни битиргандан бери айтарли бирор фойдали иш билан шуғулланмаган.

Одамлар қай бир жиҳатдан бирикмоқлари, ҳамжиҳат бўлмоқлари учун уларнинг ҳаётга муносабатлари деярли бир хил бўлмоғи зарур. Юрсинали ўзи сингари фикрлайдиган шерикларни топишга унчалик ҳам қийналгани йўқ. Ўзидан 12 ёш катта бўлган Раҳмат Мариповни қармоққа илинтириш хамирдан қил суғургандек осон кетди. Муштирапар хотини билан тўрт болани ўстираётган киши ҳаётнинг иссиқ-совуғини кўрмаган гўр боланинг гапига лақақ тушиб, 100 доллар учун 2 килограммдан ошқирок гиёхванд моддани Ўзбекистонга олиб ўтишга розилик берди. Унга бу ишда Турсунзода шаҳридаги шифохоналардан бирида хайдовчи бўлиб ишлаётган Илхом Ашуров кўмаклашадиган бўлди. Агар ҳаммаси кўнгилдагидек амалга ошиб, Юрсинали Россияга бориб келса, унга 400 доллар бериши керак эди. Улар августнинг сўнгги кунлари ана шундай битимга келишди.

2001 йилнинг 3 сентябрь кунини Юрсиналининг ногорасига «ўйнаш»га рози бўлган икки оғайни Узун туманидаги чегара ҳудудлари орқали ўтиб, шу тумандаги «Гулистон» ширкат хўжалигида яшовчи Илҳомнинг қариндоши Ихтиёрнинг уйига келишди. Ихтиёрнинг «Тико»си уларга асқотди — «мол»ни ўша кечаси машинага яшириб қўйишди. Эртаси кунини Узун тумани марказида барча иштирокчилар тўпланишди. Юрсинали Тожикистондан етиб келди. Дарҳол Денов шахрига йўл

олинди. Хушёрлик, хушёрлик ва яна хушёрлик зарур эди. Бир жойда туриб қолишнинг ҳеч иложи йўқ. Қимматбах «товарни» яхшироқ, тинчроқ, беҳавотирроқ жойга яшириш керак.

Денов бозори гавжум. Ким нима мақсадда юрибди, ким билиб ўтирибди, дейсиз. Бирок, нима бўлганда ҳам бунақа ишда пухта бўлган яхши. Юрсинали Шўрчи туманида яшовчи таниши Маматқул бува Шерқобиловни эслади. Бобойнинг ўғли Абдусаттор ҳам гапга тушунадиган, яхши бола... «Тико»га ўтириб Шўрчига йўл солишди. Бу жой ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ эди. Биринчидан, уй агалари таниш. Шунинг учун илгаритдан онаси билан опасини шу хонадонга жўнатганди. Россияга «мол»ни улар ёрдамида олиб кетишни мўлжаллаган. Иккинчидан, мана шу ҳаракатлар эвазига «Сариосиё» божхона пости четлаб ўтилади ва «Толли» жамоа хўжалиги ҳудудидида аёллар «Сариосиё-Термиз» шаҳарлараро поездига ўтиришади. У ёғига ҳудо пошшо. Термиз шаҳри темир йўл бекатида «Душанбе-Саратов» йўналиши бўйича қатнайдиған йўловчи поездга омон-эсон чиқиб олинса бўлгани...

Божхона хизмати катта лейтенанти Абдумалик Бозоров билан божхона хизмати капитани, суриштирув бўлими ходими Абдували Эшқобиловлар ўз

йигитларини эргаштириб Узун билан Денов орасини бир қадам қилиб юришарди-ю, бироқ «чаққонлар»нинг думини илгашнинг иложини топишолмасди. Наҳотки учрашув жойи ва кунини ўзгартиришган бўлса? Унда калаванинг учини топиш учун энди нима қилиш зарур?..

Юрсиналининг таваккал қилгиси келмади. Учрашув кунини ўзгартирилмаган бўлса-да, жойини ўзгартирди. Бир зум маслахатлашиб олишгач, «мол»ни Раҳмат Мариповга берди-да, уни Деновда қолдириб, ўзи «Тико»да «Толли» жамоа хўжалигига жўнади. Олдин ишни пишитиш зарур эди. Борди. Абдусатторни топди. Кўндирди. Уни ўзи билан олиб физиллаганча яна Деновда пайдо бўлди. Бозордан скотч-ёпишқоқ целлофан тасма сотиб олди. Бунинг нимага керак бўлишини Абдусаттор кейин тушунди. «Ноёб мол» Раҳматдан олинди. Юрсинали билан Абдусаттор яна ўзларига тезкорлик билан хизмат қилаётган Ихтиёрнинг машинасига ўтириб, Шўрчига — Маматқул буваникига жўнаб кетишди.

Машина ҳудди қанот чиқаргандек учар, Ихтиёр бироз хавотирда бўлса-да, бир кундаёқ ваъда қилинган 30000 сўм пулни қўлга киритаётганини ўйлаб севинарди. Раҳмат кўнгли тамомла хотиржам бўлиши, бамайлихотир юртига қайтиб кетиши учун йигитлар қўзланган

жойга тинчгина етиб боришди-ми-йўқми, билиши зурар эди. Шунинг учун ҳам Илҳомни Деновда қолдириб, Шўрчига — бобойникига таксида жўнади. Борса, шукри, ҳаммаси жойида. Юрсинали Абдусатторнинг уйида «гиёх»ни тўрт бўлаққа бўлиб, ҳар бирини маҳкам қилиб скотчга ўрапти. Кўнгли жойига тушди. Бўлди, у ишини бажарди. Худо хохлаسا, улар Россиядан қайтишгач, бойвачча бўп кетади. Деновга жўнади.

Энди у Ихтиёрнинг машинасида учиб келарди. Хайрият, ҳаммаси яхши тугади. Бемалол юртга қайтиш мумкин. Бу ёғи хурсандчилик. Ишнинг ярми битди. Улар Деновга келиб Илҳомни топиб, энди Узун тумонга кетиш учун машинага мулланинг уйи олдида машинани йигитлар ҳе йўқ, бе йўқ уларнинг тирасларидан ушлаб суҳбатга тортишди.

...«Толли» жамоа хўжалиги кишлоқлари оралаб изма-из учта машина физиллаганча кетмоқда. Божхона ходимлари билан бу ерга яна қайтиб келишга мажбур бўлган Раҳмат йўл кўрсатиб борарди. Абдували Эшқобилов мулланинг уйи олдида машинани тўхтатди-да, шошмай тушиб, тавақалари ланг очиб қўйилган ҳовлига яқинлашди. Овоз бериб мулла бувани чақирди. Бобой ўрнига одмигина кийинган, дўпписи ўзига ярашиб тушган йигирма ёшлардаги йигит чиқиб,

салом берди.

— Қани, марҳамат, ичкарига...

— деди иккиланиб.

— Майли, раҳмат укажон, — деди қутилмаган меҳмон, — менга Юрсинали керак эди.

Юрсинали олдинига ҳайрон бўлди: «Бу ердалигимни қаёқдан била қолди бу...» Меҳмонни муллага бир иш билан келган киши, деб ўйлаганди у.

— Менман, — дейишдан ўзга иложи йўқ эди. — Хўш?..

— Менга... оғайни «ун»дан керак эди. Пули нақд.

— Тушунмадим, ака...

— Менга ишонаверинг, ука...

Раҳматнинг дўстиман. Бугун Россияга кетялман, жуда зарур, тирикчилик, ўзингиздан қолар гап йўқ...

Савдо пишмади, Юрсиналининг ранги оқариб кетди. Ақл бовар қилмасди. Қандай қилиб? Қаёқдан билиши мумкин?..

Ҳайрон бўлиб Маматқул бува чиқиб келди. Худди биров уларга тўхтаб қилаётгандек, Юрсиналининг онаси билан опаси ўпкалаганча дағдага қила бошлашди. А. Бозоров етаклама аравада сув олгани кетаётган Абдусатторни тўхтатиб, ҳовлига бошлаб келди. Лейтенантинг бунақаларни кўравериб кўзи пишиб кетган эмасми, икки оғиз суҳбатдаёқ

ҳамма гапнинг тагига етиб бўлди. Қонунда кўрсатилганидек, холислар таклиф этилди. Уйлардан тинтувда ҳеч нарса чиқмади. Аммо оғилхонадаги сомон орасидан тўртта ўрам топилди. Ўлча кўришди — 2 кг. 15 грамм.

Юрсинали ва унинг гуруҳи фаолиятига шу ерда чек қўйилди. Россияга ҳеч ким бормайдиган бўлди.

— Бу 2 кг. 15 грамм героин моддаси нима дегани? Унинг фойда-зарарини қандай тасаввур қилиш мумкин? — сўради ҳозир Сурхондарё вилояти божхона бошқармасида суриштирув бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган А. Эшқобиловдан.

— Э, ака, сўраманг, фойдасининг уйи куйсин. 1 грамм героин 4 доза бўлади. Уни эса пастлардан тўрттаси бир мартадан чекади. 2 кг. 15 грамм неча доза бўлишини тасаввур қилаверинг! Бир доза чеккан одам 2 соатдан 3 кунгача ўзига келмаслиғи, шу топда хаёлига келган ҳар қандай тубанликдан қайтмаслиғи мумкин.

Бир гал наркотикка ўрганган 25 ёшлардаги йигитни кўрганам бор. Нашанинг хумори тутганда ёнида етаклаб юрган боласини ҳам ўйламасди. Бошмоғининг тағидан наркотик топангиз. Ярамас шунини кўз олдимизда тираб-қақшаб яласа денг!.. Мана сизга унинг зарари!..

Маҳмуд БҲРОН,  
журналист




РЕКЛАМА



Болалар шод —  
дунё обод.

«Туртинчи автохизмат» корхонаси



МУАММОГА ЕЧИМ ИЗЛАБ...

ПОКИСТОН президенти генерал Парвез Мушарраф Ҳиндистон билан бўлган муносабатлардаги кескинлик тинч йул билан бартараф этилишига умид билдирди. «Покистон уруш очмайди. Биз муаммони тинч йул билан ҳал этиш тарафдоримиз», — деди у яқшанба кuni Душанбе шаҳрида ўтказилган матбуот конференциясида.

«Энди музокараларни давом эттириш учун Алмати шаҳрига учамиз ва ўша ерда ушбу муаммони ҳал этиш бўйича ижобий натижаларни қўлга киритиш умидидамиз», — деди Покистон раҳбари.

Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Вахпаининг айтишича, Қозоғистон саммитида Покистон президенти Парвез Мушарраф билан музокаралар ўтказиш унинг режаларига кирмайди. Алматига учиб олдида у агар Парвез Мушарраф ислом жангариларининг террористик фаолиятини жилловлаб қўйиш тўғрисида берган ваъдасининг устидан чиқсагина, Покистон раҳбари билан музокаралар ўтказилиши мумкинлигини баён қилган. П. Мушарраф эса ўз навбатида Алмати саммитида Вахпаи билан учрашиш ниятида эканлигини баён қилган, зеро, унинг фикрича, музокаралар кескинликни юмшатишга имкон яратади.

Ҳиндистон Мудофаа вазири Жорж Фернандес эса Сингапур шаҳрида бўлиб ўтаётган Осиёдаги хавфсизлик масалаларига бағишланган конференцияда сўзга чиқиб, Покистон билан бўлган муносабатларда Дехли чўрткесарларча ҳаракат қилмаслигини, аммо терроризмнинг ёйилиб кетиш хавфини бартараф этиш мақсадида қўшнисига таъйиқ (таъсир) ўтказишда давом этишини баён қилди. «Парвез Мушарраф режимида кутадиган нарсамиз битта, у терроризмни қўллаб-қувватлашдан воз кечиши керак», — тушунтирди Фернандес. — Биз ҳеч қачон Покистоннинг худудий бутунлигига таҳдид солмаймиз ҳамда бу мамлакат фуқароларига нисбатан адоватимиз йўқ».

Ҳиндистон Мудофаа вазирининг фикрича, Покистон АҚШнинг Афғонистондаги аксилтеррор операцияларини фаол қўллаб-қувватлаганига қарамастан, Покистоннинг ўзида ва айниқса Ассам Кашмирда террорчилар қайнаб ётибди. «Ал-Қоида» ва «Толибон» ҳаракати жангарилари Покистонга шимолий вилоятлар орқали кириб олишган.

Покистон президенти П. Мушаррафнинг вакили Ж.Каромат яқшанба кuni Римга келиб, душанба кuni Италия Бош вазири Сильвио Берлусконига Мушаррафнинг мактубини топширди. Мактубда Ҳиндистон-Покистон муаммосини бартараф этиш чоралари хусусида сўз юритилган.

Фьюмичино аэропортига етиб келгач, Каромат муаммонинг ҳал этилишида Покистон Италия ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ёрдамидан умидвор эканлигини баён қилди. У Франция ва Испанияга ҳам ташриф буюради.

ВАЗИР ЎЛДИРИЛГАН

Гондурасда мамлакатнинг собиқ иқтисод вазири ўлдириб кетилган. Ҳукумат манбаларининг хабар беришича, ўтган ой жиноятчилар томонидан ўғирлаб кетилган Рекональда Пантинг Сан-Педро-Сула шаҳрида ўлик ҳолда топилган. 72 ёшга кирган Пантингнинг қариндошларининг айтишича, ўғирлаб кетган шахслар собиқ сёвсатчи учун 122000 доллар талаб қилишган. Пул келтириб берилмагач, уни ўлдиришган.

ИМПЕРАТОР ЙОКОГАМАГА БОРАДИ

Япония футбол ассоциацияси раҳбари, Япония шахзодаси Такамадо-нинг баён беришича, футбол бўйича жаҳон чемпионатини очилиш маросимига ташриф буюрганда корейслар уни жуда қизғин кутиб олишган. Шундан келиб чиқиб, «император Акихитонинг ўзи маросимга шахсан ташриф буюрса бўлар экан», — деган шахзода.

Жанубий Корея томони Акихитони тақлиф қилган эди, бироқ япон ҳукумати корейликларнинг намоёнлигига чиқишларидан хавфсираб, император Кореяга бормаслиги керак деган қарорга келган.

Император Акихито Жанубий Корея президенти Ким Де Чжун билан биргаликда Токио яқинидаги Йокогама шаҳрида ўтказилажак жаҳон чемпионати финал ўйинига ташриф буюради.

ВЕРТОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Яқшанба кuni Анголада юз берган авиафалокат натижасида 25 киши ҳалок бўлган. Ангола миллий радиосининг хабарига кўра, Ми-8 русумли ҳарбий вертолёт Луанда шаҳрининг Шарқ тарафидан 200 км. узокликда ағдарилиб тушган. Унинг бортида аскарлари УНИТА экстремистик гуруҳи жангариларига қарши фаол кураш олиб бораётган генерал-лейтенант Жозе Домингес Нгету бор эди.

Об-ҳаво шароитларининг ёмонлиги авиафалокат юз беришига сабаб бўлган деб тахмин қилинмоқда. Ҳозирги пайтда Ми-8 га тегишли «қора кути» кидирилмоқда.

ШИМОЛИЙ ҚУТБДА АЁЛЛАР

Яқшанба кuni Шимолий қутбга етиб борган буюк британиялик икки аёл ҳисобига Ернинг ҳар иккала қутбини забот этган кишилар сони яна кўпайди.

«Биз юксакликдамыз, бу жуда мароқлидир. Бу ерга келгач, қиролча Елизавета II тахтга ўтирганининг юбилей санаси шарафига миллий мадҳиямизни куйлаб, Буюк Британия байрогини ўрнатдик», — дейди лондонлик молйачи, 35 яшар Каролин Хэмилтон.

Экспедиция 81 кун давом этди. 47 кун мобайнида уларга кузатувчилик қилиб келган 50 яшар Пом Оливер оғини совуққа олдириб қўйгач, ортга қайтишга мажбур бўлган эди.

«НОЁБ» ТОПИЛДИК

Пентагон вакиллари жума кuni тарқатган хабарга кўра, АҚШ ҳарбийлари Афғонистоннинг жануби-шарқий худудларида «ер-ҳаво» типидagi ўттизта ракетадан иборат омборни топишган.

Номини ошкор қилишни истамаган вазирилик ходимининг айтишича, топилган ракеталар «Стрела-2М» зенит-ракета комплекси (ЗРК)нинг Хитойча варианты — НН-5 ҳисобланади.

22 май кuni ФРБ америка авиакорпорацияларини террорчилар ЗРКнинг Америка ва Россия моделларидан фойдаланган ҳолда самолётларга ҳужум қилиб қолиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирган эди. Бироқ ҳали ФРБ «Ал-Қоида» самолётларга ҳужум қилишни режалаштираётганлиги хусусида аниқ далилларга эга эмас.

БОШ ВАЗИР УЗР СЎРАМОҚЧИ

Янги Зеландия Самоадан ўтган аср бошларидаги ўз ҳукмронлиги даврида содир этилган шафқатсизликлар учун узр сўрамоқчи. Бу ёвузликлар минглаб кишиларнинг ўлимига сабаб бўлган эди.

Маълумки, Янги Зеландия Самоани 1914 йили Германиядан тортиб олиб, 1962 йилгача ҳукмронлик қилган.

Янги Зеландия Бош вазири Хелен Кларк Самоа пойтахти Аниадаги мамлакат мустақиллигининг 40 йиллиги тантаналарида мезбонлардан узр сўрайди. Масалгага изоҳ беришни сўраган мухбирларга жавоб беришдан бош тортган Кларк маъмуриятидагилар «Бош вазир ўтган аср бошларида Янги Зеландия ҳукмронлиги даврида юз берган ҳодисаларга тўхталмоқчи эканлигини таъкидлашган».

Келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодни яқиндагина нишонланган Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni билан қутлаймиз.



«НАВРЎЗ» тайёрлов-таъминот ишлаб чиқариш бирлашмаси

БАРЧА БОЛАҲОНЛАРИМИЗНИ ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ. УЛАР ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ ФАРЗАНДЛАР БЎЛИБ ЕТИШИШИГА УМИД ҚИЛАМИЗ.



«РУСТА-ҚАНДОЛАТ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

ЭЛЛИК ЙИЛЛИК БОМБАЛАР

Шанба ва яқшанба кунлари француз говвослари Нормандия ороллари соҳилларида иккинчи жаҳон уруши давридан қолган 58 та бомбани зарарсизлантирдилар.

«Иккинчи жаҳон уруши давридан қолган» деб тахмин қилинаётган 75 миллиметрли бомбалар Нормандиянинг Трепор шаҳри яқинидаги Мер-ле-Бэн соҳилларида топилган эди.

Франция қирғоқ худудлари маъмуриятининг баёнотида айтилишича, 27 бомба топилган жойида портлатилган, 31 та бомба эса зарарсизлантирилган. Улар биров кейинроқ йўқ қилинади.



ЖЧ-2002

# БИРИНЧИ БЎЛИШ ҲАМИША ҚИЙИН

дан кўра европаликларга кўпроқ таъсир ўтказиши сезилди. Тўртинчидан, таркибдаги Пети, Жоржаефф, Лизараэу каби «кари-я»лар 1998 йилги формасида эмаслиги аён бўлиб қолди. Ва ниҳоят, бешинчидан, Африка футболри ривожланиш босқичида эканлигини сенегалликлар биринчи ўйиндаёқ исботлаб қўйишди.

Умуман, шу кунгача Жанубий Корея ва Япония яшил майдонларида бўлиб ўтган ўйинларда куйидаги натижалар қайд этилди.

**1 июнь.** Уругвай — Дания — 1:2.



Ирландия — Камерун — 1:1. Германия — Саудия Арабистони — 8:0.  
**2 июнь.** Парагвай — ЖАР — 2:2. Испания — Словения — 3:1. Англия — Швеция — 1:1. Аргентина — Нигерия — 1:0.  
**3 июнь.** Бразилия — Туркия —

2:1. Хорватия — Мексика — 0:1. Италия — Эквадор — 2:0.

**4 июнь.** Хитой — Коста-Рика — 0:2. Корея — Польша — 2:0. Япония — Бельгия — 2:2.

Таъкидлаш керакки, кимларгадир қутилмагандай туюлган натижа кимлар учундир қутилган бўлиши мумкин. Бироқ саудияликларнинг немислардан 0:8 ҳисобида мағлуб бўлиши Осиё футболининг савияси ҳали кўп йиллар биз муҳлислар учун бошогрқ бўлишидан дарак бераётгандай. Сеулда бўлган конгрессда ФИФА президентлигига қайта сайланган Йозеф Блаттер 2006 йили Германияда ўтказилажак жаҳон чемпионатида осиеликлар учун тўлиқ 5 та ўрин ажратиб масаласи уларнинг мана шу чемпионатда эришажак натижаларига боғлиқ эканлигини кўп таъкидлаган. Бас, бутун умидимиз энди Осиёнинг қолган уч терма командасидан.

Аммо-лекин, шу кунларда ишқи-бозларга маъза. Бу дамларни, бу қувончу «ғам»ларни пул тўлаб ҳам ортага қайтариб бўлмайди. Фақат орзу қилиш мумкин, холос. Оразмиз эса ҳали «Олтин кубок» даражасига етгани йўқ. «Қачон Ўзбекистон?...» У ёғи айтилмайди. У ёғи дилда. Газетамизнинг ўтган сонидagi шарҳимизда Францияни яна «чемпион» қилиб қўйганимиз, у бўлмаса Италия ёки Аргентинга ишқибозлик қилишимиз ҳам имлошизликдандир. Ҳалиям ўша гапимиз — гап.

Ҳасан НИШОНОВ,  
«Хуқуқ» муҳбири

**ШУ КУНЛАРДА** спорт оламида 2002 йилнинг энг буюк воқеаси давом этмоқда. Сезган бўлсангиз керак, гап футбол бўйича жаҳон чемпионати ҳусусида кетаяпти.

31 май куни Жанубий Корея пойтахти Сеулда, 65 мингга яқин муҳлис кузатувида бўлиб ўтган Франция — Сенегал ўйини билан чемпионатга старт берилди. Ҳақиқатан ҳам, 1:0 ҳисобида жаҳон кубогига мусобақалари финал турнирида илк бор иштирок этаётган Сенегал терма командасининг галабаси билан тугади. Энг сўнгги жаҳон ва Европа чемпиони янги асрдagi илк жаҳон биринчилигини мағлубият билан бошлади.

Ҳақиқатан ҳам, 1:0 ҳисобида жаҳон кубогига мусобақалари финал турнирида илк бор иштирок этаётган Сенегал терма командасининг галабаси билан тугади. Энг сўнгги жаҳон ва Европа чемпиони янги асрдagi илк жаҳон биринчилигини мағлубият билан бошлади.

## МУТОЙБА

# ЖОНГА ТЕККАН МУСИҚА

Марш мусиқаси, ҳар қанча бўлса, марш мусиқаси-да. Унинг садолари остида қўшиқ айтиш, рақсга тушиш ва ҳаттоки жанрларига мослаб пайафзал ҳам тозалаш мумкин. Бундан ташқари, қўшни хонадонда марш садолари жанрлаб турганда қўшнингни бемалол ошириб сўҳининг мумкин. У барибир эшитмайди.

Йоҳаннес қўлига болга олиб, ўрта деворга икки-уч марта қарсиллатиб урди:

— Бас қиласизми, йўқми? Бу мусиқа жонга тегиб кетди-ку. Бир неча лаҳзадан кейин қўшнингни сиздан бош сўқди:

— Ҳа қўшни, уйингизни таъмир-лаясизми? Ўрта деворга мих қоқаясиз шекилли?

— Ҳеч қанақа мих қоққанам йўқ. Мусиқани бас қилган!

Қўшнинг унга анграйиб қаради:

— Нима бало, уйкуга тўймадингизми? Нега бунча эснайсиз?

Йоҳаннес қўшнингнинг ҳеч нарса эшитмаётганини, марш мусиқасини тинглайвериш, қулқоқлари том битганини англаб, югуриб ўзини хонадонига кирди ва граммофон вилкасини розеткадан сургуриб ташлади:

— Қўшнинг, мусиқангиздан безор бўлдим.

— Ахир, бу жуда ажойиб марш-ку. Бунинг устига уни эшитиш ҳозир

одат тусига кирган.

— Тўғри, яхши мусиқа, аммо сиз уни эрта тонгдан ярим кечагача қайта-қайта қўяверасиз. Жонга ҳам тегиб кетди.

— У ҳолда сиз уни тингламанг, дўстим.

— Янги турар-жой биноларининг деворлари пиёзнинг пўстидек юпка бўлгандан кейин, эшитмасликнинг иложи борми? Сизникида сичқон шитирласа, бизникида эшитилиб туради. Қаранг, ўнг томонимиздаги қўшнингизникидан тиқ этган овоз эшитилмайди. Сиз эса уйқудан турганингиздан бошлаб шу мусиқани қўясиз. Улар бўлсақ, ўлиб бўлди-ку. Хотиним бир ойдан бери қўлига пахта тиқиб юрибди.

— Унда нима маслаҳат берасиз?

— Келинг, шу пластинкангизни синдириб ташлайлик. Мен сизга йигирма марка бераман.

— Йигирма марка катта пул, бу пулга дўқондан ўнта пластинка олиш мумкин. Аммо бу пластинка синмайди, металлдан ишланган.

— У ҳолда бировга сотиб юборинг.

— Сотиб юборсам ҳам йигирма маркани берасизми?

— Албатта. Эракнинг гапи битта бўлади.

Кечкурун Йоҳаннес хотини билан бирга марш қайтиб, хонадонларига киришганда, ҳар кунги гүмбур-гүмбурдан асар ҳам йўқ, атроф сув селгандек жим-жит эди. «Қўшни ҳали ишдан қайтмадимикан», ўйлади Йоҳаннес, аммо текшириб қўриш учун қўшнингнинг

эшигини кўнғирок тугмасини босди. Эшик очилиб, қўшнинг бош чикарди:

— Келинг қўшни, ҳўш, хизмат?

— Атроф жим-жит, сукунат... — дудуқланди Йоҳаннес.

— Бўлди, қутулдингиз. Пластинкани ҳам, унга қўшиб граммофонни ҳам сотиб юбордим.

— Барака топинг-эй, гап мана бунақа бўпти-да, — деди Йоҳаннес ва қўшнингнинг қўлидан ўшлаб хонадонига бошлади.

— Хотин, тезроқ бўл, дастурхон туза, — деди у шодликдан ўзини қўярга жой топпалай ва совуттичдан бир шиша ароқ, икки шиша пиво олиб столга қўйди. Хотини иккита рюмка, пиво учун боқал ва газак келтирди. Икки қўшни пластинканинг сотилганлиги шарафига юзта-юзта ичишга, Йоҳаннес пиводан ҳўллар экан жавондан йигирма марка пул олиб, столга қўйди:

— Мана бу сизга ваъда қилинган муқофот. Ҳўш, уни кимга сотиб юбордингиз?


Қўшни шошилмасдан пивони ичди, сўнгра пулни чўнтагига соларкан, кўрсаткич бармоғи билан ўнг томонга ишора қилди:

— Бу қўшнингиз ҳам марш мусиқаларига ўзини томдан ташлайдиган даражада ишқибоз экан.

Сотмоқчилигимни эшитиб, қўярда қўймай, икки юз марка бериб олиб кетди, — деди у ва хайрлашишни ҳам унутиб чиқиб кетди. Йоҳаннес бир хотини ўтирган жойларида бир-бирларига бақрайиб қолдилар. Бир неча лаҳзадан кейин ўнг томондаги қўшнингнинг эшиги тарақлаб очилиб, ёпилди ва тез орада бутун қават қайтадан марш мусиқасининг гүмбур-гүмбурига тўлди.

Немис тилидан  
Йўлдош ПАРДА таржимаси

## КРОССВОРД



**БЎЙИГА:** 1. Наркотик моддаларни истеъмол қилувчи шахс. 2. Ем ва дағал озуқанинг сувда ивтилган аралашмаси. 3. Тухуми топилмас қуш. 4. Бир хил исми одамлар. 5. Сув транспорти тури. 7. Фарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида муомалада бўлган қадимий қумуш танга. 8. Россиядаги дарё. 12. АҚШ конгресси биносининг номи. 13. Ойдаги йирик кратер. 15. Шириллик тури. 16. Инглиз физиги, Нобель муқофоти соҳиби. 17. Бахтли тақдир. 18. Тогда ўсадиган буга. 19. Бир соҳага хос муайян тушунчанинг аниқ ифодаси бўлган сўз. 25. Солдат, навкар. 26. Башар, одам. 28. Уч дақиқалик бир қур олишув вақти. 30. Шоҳ саройидagi маслаҳатчи. 31. Подачидан даққи еган Эрон шоҳи. 32. Замонавий ўзбек эстрада ғуруҳи. 33. Ирланд шоири ва драматурги.

**ЭНИГА:** 6. «Илоҳий комедия» поэмаси муаллифи, итальян шоири. 7. Сурхондарё вилоятидаги туман. 9. Хабар мазмунини билдирадиган гап. 10. Материални эсга тушириш ва ўзлаштиришга имкон берадиган шартлардан бири. 11. Кийимларнинг четига беэак учун тикладиган энсиз тасма. 13. Бировдан ўлжа олишга бўлган интилиш. 14. Мисрдаги шаҳар. 16. Ўзбек миллатининг миллий ифтихори бўлган кийим. 18. Пишиқ тола берувчи қуртнинг маҳсулоти. 20. Мўғул чорвадори. 21. Қўлда тўқилган шойи газламанинг бир тури. 22. Макаревичнинг кўрсатуви. 23. Хўнарманд. 24. Кишилар ўртасидаги узвий боғланиш. 25. Етақчи такаларга тақиб қўйиладиган қўнғироқча. 27. Ҳинд-Европа халқларининг умумий шартли номи. 29. Олам, коинот. 31. Оҳангарон дарёсининг энг йирик ўнг ирмоғи. 34. Тоғликлардаги тик уйқ жой. 35. Ёмон йўлдош ёв бўлар, ... йўлда гов бўлар. (Мақол). 36. Болдир сўяннинг пастки учидagi ён томонга туртиб чиққан қисми.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

## ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СониДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ:

**Бўйига:** 1. Арат. 2. «Ра». 3. Эр. 4. Кола. 6. Опа. 8. Мита. 10. Аза. 11. Купон. 12. Радон. 13. Маун. 14. Жилд. 16. Баҳор. 17. Кўшиқ. 22. Наҳв. 24. Ушр. 26. Ора. 27. Искот. 28. Қорун. 29. Ангар. 30. Кавар. 31. Акт. 33. Мур. 37. Ила. 38. Азиз. 40. Ипр. 42. Камон. 43. Йўриқ. 44. Усмир. 45. Айрон. 46. Қанд. 47. Нисор. 51. Анка. 53. Унс. 54. Сада. 55. Этак. 56. Онг. 58. До. 59. Ни.  
**Энига:** 1. Атир. 3. Элак. 5. Бобр. 7. Мур. 9. Отар. 11. Карт. 15. Абак. 18. Гамалия. 19. Пода. 20. Оҳак. 21. Иснад. 23. Айн. 25. Рощ. 28. Қаҳва. 31. Арус. 32. Алам. 34. Қурб. 35. Эгов. 36. «Тик». 39. Амир. 41. Нозир. 42. Кай. 44. Ура. 46. Қозон. 48. Мурч. 49. Умар. 50. Инкасса. 52. Нўқс. 55. Эрон. 57. Асад. 58. ДАН. 60. Авто. 61. Анро. 62. Илик.

## ҚАХ-ҚАХ

Меҳмон мезбондан сўради:  
— Қалай, хотиним айтаётган ашула сизга ёқаяптими?  
— Кечирасиз, нима дедингиз?  
— Хотинимнинг ашуласи сизга ёқаяптими, деб сўраялман.  
— Э, барибир эшитмадим. Қаранг, анави ўртага чиқиб олган кампиршунчалар бақрайитми, биронта сўзинингиз англаб ололмапман.

\*\*\*

Жаррох беморга деди:  
— Жаноб, сиз кўп ташвиш тортманг. Сиздан олдин элликти кишини худди шундай кестанман.  
— Шундай-ку-я, лекин одам барибир чўчиркан.  
— Сираям қўрқманг, ҳеч бўлмаса, эллик биринчиси яхши чиқиши керак-ку, ахир.

\*\*\*

Бемор шикоят қила бошлади:  
— Дўхтир, нима қилишим керак. Қўлларим шундай қалтирайдими...  
— Бундан чикди жуда кўп ичсангиз керак-да, — сўради у усмоқчилаб.  
— Кўп ичиб бўладими, жаноб дўхтир. Стаканин ярим қилиб тўлдирсам, қўлим қалтирайверганидан барибир ярми тўқилиб қетавради.